



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

ШОНЛИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри

№ 49 (3421)

2001 йил 6 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

ШОНЛИ САНА МУБОРАК!

Барча ички ишлар идоралари ходимларини, ҳарбий бўлинмалар зобит ва аскарларини, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, тингловчилари, курсантларини, ички ишлар идоралари фахрийларини 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин билан самимий кутлайман.

Мустақил Ватанимизнинг буюк келажаги ва равнақи, эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мус-

таҳкамлаш, ҳуқуқий давлат куриш йўлида олиб бораётган машаққатли, лекин шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Сизларга ҳамда оила аъзоларингизга, барча яқинларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин. Хонадонингиздан файз-барака аримасин.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

Республикамиз XXI асрга демократик давлат сифатида кириб келди. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида демократик жамиятимизнинг ишончли ҳуқуқий кафолатлари ўз аксини топган. Асосий Қонунимиз 1992 йил 8 декабрда кенг умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилинди. Бу кун умумхалқ байрами — Конституция кунин деб эълон қилинди.



“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15-модда)

Саҳифода — Янгийўл шахри

МАҚСАД — САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

АВВАЛО ПРОФИЛАКТИКА...

Шаҳар ИИБ шаходатланган ходимлар билан тўла бутланган. Бу бировнинг оғирлиги бошқасига тушмайди, ҳар ким ўз вазифасини бажаради, дегани. Хўш, уларни ўқитиш-ўргатиш — ўқув машғулотлари учун қандай шароит яратилган?

Сўнги ўн йил ичида Янгийўл шаҳрида жиноятчиликнинг қисқариши кўзатиляпти. Ўтган йилни оладиган бўлсак жиноятларнинг умумий сони ҳам, уларнинг оғир, ўта оғир турлари ҳам камайди.

4-бет

Бош муҳаррир минбари

УМИД ҚАЛБГА ИЛИҚЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Инсон шундай яралганки, доим келажакка умид билан боқади. Ана шу ишонч ўзи интилаётган эзгуликка тезроқ етишига кўмаклашади. Биз барчамиз эса мустақил юртимизда ҳар вақт тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши, иқтисодий эътиборнинг изчил ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб боришига интиламиз.

Республикамизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ана шу олижаноб мақсадга йўналтирилган.

Мамлакатимиз олис ва яқиндаги кўшнилари билан нафақат дўстона алоқалар ўрнатиш, балки кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилаётганини ноябрь ойининг охирида Россия пойтахтида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг юбилей саммити яна бир бор тасдиқлади.

Давлатлар раҳбарларининг ўтган ўн йил давомида Ҳамдўстлик доирасида қилинган ишлар бўйича фикр алмашуви чоғида юртбошимиз МДХ фаолиятида биринчи галда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масаласига эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Шунда мақсадларимиз мос келиб, диққатимизни турли ҳарбий-сиёсий мавзуларга жалб этмай, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга интилардик.

Бугун Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси очилиши ўзбекистонликлар учун декабрь ойининг дастлабки муҳим сиёсий воқеаси бўлиб қолади. “Постда” ва “На посту” газеталарининг янги сонлари муштарийларимиз кўлига бориб текканда парламент ўз ишини бошлаган бўлади. Депутатларимизнинг навбатдаги анжуманида 18 та масала муҳокама қилинади. Муштарийларимиз улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун ўзбек парламенти еттинчи сессияси кун тартибидан ўрин олган масалаларни батафсил келтириб ўтишни лозим топдим. Булар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Мурожаатномаси ҳақида”ги, “Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Шаҳар қурилиш кодексининг лойиҳаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари тўғрисида”ги, “Ширкат ҳужжалилари тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги, “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги, “Сугурт фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамгаланиши тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги масалалардир.

Халқимиз вакиллари навбатдаги сессия кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тузиш масаласи бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокамасига алоҳида эътибор қаратишлари кутилмоқда.

Сўзсиз, амалдаги қонунчиликнинг келгусида янада такомиллаштирилишига депутатлар томонидан қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун муносиб улуш кўшади.

Парламент аъзолари муҳокамасига тақдим этилган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳам долзарбдир. Булар сирасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳамда парламент ваколатига қирувчи бошқа қатор масалалар ўрин олган.

Кўриб турибсизки, халқимиз вакиллари мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида катта аҳамият касб этувчи талайгина қонунларнинг лойиҳалари, ҳужжатлар ва долзарб масалаларни кўриб чиқишларига тўғри қолади. Ана шундай масалалардан бири — 2001 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи эдим.

Молия соҳасидаги расмий манбаларга қараганда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили ва ундан ўтиб бораётган йилда қутилаётган натижалар келгусида макроиктисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ва иқтисодийнинг муайян шўбасида тараққиётга эришилиши, структура ўзгаришларининг чуқурлашиши ва аҳоли даромадларининг кўпайишини кўрсатиб турибди.

2002 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. У аввало келгусида валюта бозорининг либераллашиши ва ташқи иқтисодий фаолият юритиш шароитида аҳолининг ижтимоий заиф қатламни кўлаб-қувватлаш дастури, иқтисодий ўсиш, структура ўзгаришлари ва ижтимоий инфраструктуранинг рағбатлантиришига йўналтирилган сармоялаш дастурини ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ўтказишга даъват этилган.

Мамлакатимизнинг 2002 йилга мўлжалланган бош молиявий ҳужжати лойиҳаси, шунингдек, парламентнинг еттинчи сессияси кун тартибига киритилган бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кўмиталари, комиссиялар, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, депутатлар блоклари йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди, ҳар томонлама таҳқослаб кўрилди ва такомиллаштирилди.

Парламентнинг ҳар бир анжуманига бу даражада пухта тайёргарлик кўрилатгани қарорлар халқимиз табиғига хос тарзда, пухта ўйлаб ва донолик билан қабул қилинаётгани, бу эса ўз навбатида улар ҳаётга жорий этилишини кафолатлашни кўрсатиб турибди.

Сўзимнинг ниҳоясида Сизларни, азиз муштарийлар мустақил Ватанимизнинг бугунги кунини ва келажагини яратишда катта аҳамият касб этаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини тўққиз йиллиги билан қизгин муборакбод этишга руҳсат бергайсизлар. Барчангизга омад ёр бўлсин!

ТЕРРОРИЗМ ВА КРИМИНАЛИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт криминалистика бўлимида ички ишлар идораларида терроризмга қарши курашда техник-криминалистик таъминот масалаларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Вазирлик Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси шахсий таркиби, Эксперт криминалистика бўлими, ИИБ илмий-экспертиза портлатиш техникаси марказий лабораторияси ходимлари иштирок этган ушбу тадбирни ЭКБ бошлигининг муовини, милиция подполковниги Х. Файзиев бошқарди.

ЭКБ бошлиғи, милиция полковниги Г. Никишин кўрилатган масала бўйича маъруза қилди. Нотиқ бугунги кунда дунё миқёсида долзарб бўлиб турган терроризмга қарши курашда криминалистика техникаларидан унумли фойдаланиш, террорчилар томонидан портлатишлар содир этилганда воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида далилий ашёлар тўлиқ олиншига эришиш, уларни қай йўсинда қадоқлаш ва лабораторияларга топшириш тартиби хусусида гапирди. Криминали-

стика техникалари тўғри ва ўз ўрнида қўлланилиши шубҳа қилинган шахснинг террорчилик ҳаракатига қанчалик алоқадор эканлигини объектив аниқлаш имкони беришини айтиб ўтди. Шунингдек, бошқа жиҳатларга тўхталди.

Шундан сўнг республика ИИБ илмий-экспертиза портлатиш техникаси марказий лабораторияси бошлиғи, милиция подполковниги Т. Тўрагалов сўз олиб, портлатиш моддалари ва воситалари, улар устида олиб борилаётган тадқиқот-



лар ҳақида сўз юритди. Ўз мулоҳазаларини кўргазмани воситалар ёрдамида амалий мустаҳкамлади.

ЭКБ катта эксперти, милиция подполковниги П. Калмиков террорчилардан олинган ўқотар қуроллар, радиоалоқа воситаларини намоёниш этиб, уларни тўлиқ изоҳлаб берди. Шунингдек, ноябрь ойида бир гуруҳ мутахассислар сафида АҚШда ўтказилган семи-

нар-кенгашда иштирок этгани ва ушбу тадбирда кўтарилган масалалар бўйича фикрлашди.

“Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан махрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси)

ФАРОҒАТЛИ ДАМЛАР

Халқимиз кексаларни эъзозлайди. Кексалик гаштини суриш насиб этган кишилар ўзларининг бахтли ҳаёти учун шукрона айтиб яшамокдалар. Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фидойилик кўрсатиб, нафақага чиққан хамкасбларимиз ҳам фарзандлар ардоғида, неварачеваралар даврасида бахтиёр яшашяпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида кўп сонли нафақадорлар ҳисобда туради. Вазирлик Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва жойлардаги бошланғич ташкилотларида нафақага чиққан фахрийларга моддий ҳамда

маънавий ёрдам бериш учун зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Шу ўринда республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан нафақадорлар, ногиронлар, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган кишиларга кўрсатилаётган гамхўрликни айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, илгари

ички ишлар идоралари фахрийлари нафақани яшаш жойларидаги банк муассасалари, почта бўлимларидан олишарди. Нафақани соатлаб кутишга, белгиланган кундан кечикиб олишга тўғри келарди. Вазирлик раҳбарияти катта бир хайрли ишни амалга оширди. Эндиликда нафақадорлар нафақа пулини ўзлари яшаб турган туман, шаҳар ички ишлар бўлимларидан олишяпти. Бундай усул кўпчиликка қулайлик туғдирди. Ногиронларга нафақа пули уйларига олиб бориб бериляпти.

Нафақа олиш учун бўлимга келган фахрийлар бир-бирлари билан дийдорлашадилар. Шогирдлар би-

лан учрашиб, керакли маслаҳатлар беришади. Муаммолар бўлса, таклифлар туғилса раҳбарларга етказишади.

Мамлакатимизда нишонланадиган байрамлар муносабати билан жойларда фахрийларни йўқлаш, совға-саломлар улашиш ҳам доимий тадбирлардан бирига айланган... Халқаро ногиронлар куни бир қатор вилоятларда ички ишлар идораларида ишлаб, хизмат даврида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолган ходимларнинг уйларига бориб, йўқлаб моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда фахрийларимиз кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга яраша, куч-қувватлари етганча жамоат ишларида иштирок этишяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларга раҳбарлик қилмоқдалар, маҳалла посбонларига кўмак беришяпти.

Ф. РАҲИМОВ,
истеъфодаги милиция генерал-майори.

ЎЗИНИ ОҚЛАЁТГАН ЯНГИЛИК

Вилоятимизда шу йилнинг ўтган даври мобайнида профилактика инспекторлари томонидан 150 га яқин жиноят очилди. Шу билан бирга бир қатор жиноят турлари камайишига эришилди.

Яқинда Гулистон шаҳридаги маҳаллаларнинг бирида фуқаролар билан учрашув ўтказилди. Шунда бир киши участка вакили билан профилактика инспекторининг нима фарқи бор, деб савол берди. Четдан қараганда бу хизмат ходимлари лавозимининг номи шунчаки ўзгартириб қўйилганга ўхшайди. Бироқ, профилактика инспекторининг вазифасида участка вакилидан фарқли томонлари кўп. Илгари бир участка вакили икки, ҳатто уч маҳаллага хизмат қиларди. Унга кичкинагина хона ажратилган бўлиб, бир ўзи ишларди. Қишлоқ, туманларда, айниқса, участка вакили учун анча оғир эди. Бир ходимга икки-уч хўжалик бириктирилган бўлиб, ҳудудни айланиш

учун икки-уч кун талаб этиларди. Ислохотлар туфайли бу хизмат фаолиятида бир қатор ўзгаришлар рўй беряпти. Илгари бир участка вакилига бириктирилган ҳудудга энди икки-уч профилактика инспектори хизмат кўрсатяпти. Ходимлар сони кўпайтирилишидан мақсад, аввало милиция ходимининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборат. Чунки кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, жамоатчилик билан ички ишлар идоралари ўртасида ҳамкорлик бўлмаса жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда кўзланган мақсадга эришиш мушкул.

Профилактика инспекторлари давр талаби асосида қайта тайёргарликдан ўтказилади. Ёш кадрлар малакали ходимларга бириктириб қўйилди. Ўқув машғулотларини ви-

лоят ИИБ бошқармаси бўлимлари раҳбарлари, мутахассислар олиб боришяпти.

Илгариги участка вакилларининг оддий иш жойлари ўрнига замонавий милиция таянч пунктлари қуриляпти. Энди бу бинода фақат милиция ходими эмас, жамоатчилик ҳам бирга ишлайди.

Вилоятимизда ҳозиргача йигирмата милиция таянч пунктлари очилди. Маҳаллий ҳокимликлар ёрдами билан бунёд этилган бу масканларда профилактика инспекторларининг ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Биз тинчлик ва осойишталикни сақлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда милиция ходимларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини имкони борича мустаҳкамлашга ҳаракат қилляпти. Маҳалла посбонларининг

фаолияти йўлга қўйилиши ҳам шу мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Айни кунларда вилоятимиздаги маҳалла посбонлари ҳаракатида кўзланган самараларга эришиш учун изланишлар олиб бориляпти.

Бир сўз билан айтганда, ислохотлар самараси кўзга ташланяпти. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ишончли таянчига айланаётир. Жумладан, Янгиер шаҳридан милиция катта лейтенанти Абдувоҳид Низомов, Бобвут туманидан милиция капитани Раим Раҳмонқулов, Гулистон шаҳридан милиция лейтенанти Зокир Хўжақелдиевлар намунали хизмати билан аҳоли ҳурматиға сазовор бўлишяпти.

Ҳ. ЭРМАТОВ,
Сирдарё вилояти ИИБ ҲОСБ бошлиғи, милиция майори.

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктларига келиб-кетиш, бу ерларда бўлиш тартибининг ўзгарганлиги муносабати билан ИИБда кириш-чиқиш ва фуқаролик бўлинмалари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш қўмитаси вакиллари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда чегара ва паспорт-виза тартибини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг чегара ҳудудларига келишини назорат қилишни ташкил этиш борасида ички ишлар идоралари ва чегара қўшинлари бўлинмалари ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ УЛУҒЛАНДИ

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги маърифат дарси бахтимиз қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг тўққиз йиллигига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Қаримбеков Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимизда тутган ўрни, жамиятдаги аҳамияти хусусида кенг тўхталди.

Машғулотда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси профессор ва ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясиға шарҳлар” китоби муҳокама қилинди. Бу зарур, ҳаётий қўлланишни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари чуқур ўрганишлари лозимлиги таъкидланди.

Қ. КАРИМОВ.

“ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ”

Пойтахтимизнинг Бектемир тумани ҳокимлигида ана шундай мавзуда тадбир ўтказилди.

Унда туман ИИБ ходимлари, халқ таълими бўлими вакиллари, маҳаллаларнинг фаоллари, “Соғлом авлод учун”, “Қамолот”, “Маҳалла” жамғармаларининг раислари иштирок этишди.

Ийгилишда туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Раҳимов гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, гиёҳфурушликка қарши кураш ва ушбу иллатни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг сўз олган нотиқлар кўрилаётган масала бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Барча гиёҳвандликка қарши биргаликда курашиш лозимлигини таъкидладилар.

А. ДАВЛАТОВ.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁРДАМ

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ички ишлар идоралари фахрийларига доимий эътибор беришти. Яқинда у Халқаро ногиронлар куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ички ишлар идораларида кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан фахрийларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тадбирини ўтказди.

— Улар устозларимиз, мураббийларимиз, — деди вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Нозим Маҳаматов, — кексаларни тез-тез йўқлаб туриш биз учун фарз. Чунки юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида бутун куч-қувватларини сарфлаганлар. Улар орасида хизмат вазифасини ўтаётган вақтда жароҳат олиб, бир умр ногирон бўлиб қолганлар ҳам бор. Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда фахрийларни, ногиронларни йўқлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилдик. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари А. Турдиев, Ч. Шерматов, Х. Худойқулов, М. Одилов, Э. Абдужалиловларнинг уйларига бориб, моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари 66 нафар фахрийларга ҳокимлик томонидан ажратилган пулларни топширдик.

Бошқарма раҳбариятининг бу хайрли ташаббусига вилоят “Нуроний” жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳам қўшилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати, ҳаётимиз асоси ҳисобланади. Конституция миллатни-миллат, давлатни-давлат сифатида дунёга танитадиган муҳим ҳужжатдир.

Бундан тўққиз йил илгари қабул қилинган янги Конституциямизни ишлаб чиқиш ва муҳокамасида бутун халқ иштирок этди. Унинг барча моддалари инсонга гамхўрлик ғоялари билан йўғрилган.

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат, бурч мажбуриятлари мажмуғина эмас, балки ҳаётимизни фаровон қилиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини таъминлашнинг ҳаётбахш манбаи ҳамдир. Фуқароларимиз Асосий қонунимизнинг барча моддаларини пухта билиб олишлари лозим. Бу уларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онги ўсиши, меҳнат фаоллигига олиб келади.

Конституциямиз катта мафқуравий аҳамиятга эга. Унда умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, адолат, халқлар ва миллатларaro дўстлик, мамлакат ва дунёда тинчликни таъминлаш каби энг улуг ғоялар ўз ифодасини топган ва ана шу ғояларга хизмат қилади. Масалан, унинг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар”, деб қайд этилгани фикримизнинг далилидир.

Ҳаётда унутилмас, қувончли дамлар бўладики, вақт ўтган сари унинг қадри янада ошиб боради. Саодатга элтувчи йўлни белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай воқеалардан бири ҳисобланади.

Туманимизда оламшумул аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш доимо диққат марказида. Шу мақсадда туман ҳокимининг муовини Мастура Шокирова раҳбарлигида йигирмага яқин мактабларда учрашувлар ташкил этилиб, Асосий қонунимиз модала-модда ўрганилди. Конституцияни ўрганиш жараёнида вилоят ОИТС марказининг раҳбари, профессор Бахтиёр Расулов, туман ИИБ масъул ходимлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш, ёшларни диний-экстремистик оқимлардан эҳтиёт қилиш, ҳушёр яшаш хусусидаги мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашди. Қўрғазмали воситалар, “Турон” ёшлар театри томонидан намойиш этилган “Ҳилоят сари” кўрсатуви ўқувчи ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Улар фойдали мулоқотлар пайтидаги савол-жавобларда ўз дунёқарашларини бойитиб боришарди.

Убайдулла БОЗОРОВ,
Тошкент тумани ҳокимлиги
ташвиқот гуруҳи бошлиғи,
фалсафа фанлари номзоди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ халқимиз фаровон, овоз яшаши ва билим олиши, келажак пойдевори мустаҳкам бўлиши учун миллий истиқлол мафқурасини яратиш кераклиги биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди. Миллий мафқура бир кунда ё бир йилда яратилмайди, балки йиллар давомида қамрови кенгайиб, шаклланиб боради.

Президентимиз томонидан миллий мафқура ва миллий ғоя яратиш ҳақидаги масалалар халқ муҳокамасига қўйилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу борада сиёсатшунослар, абадиётшунослар ва кенг жамоатчилик томонидан билдириладиган таклифлар, фикрлар ғоят ўринлидир.

Маълумки, миллий ғоя халқнинг миллий эҳтиёжларидан келиб чиқади ва ўзида мужассамлаштиради. Ушбу тушунча бугунги кунда ижтимоий воқеликда ўз ўрнини эгаллаб, мустақил тафаккур маҳсулига айланиб бораётгани таҳсинга лойиқдир. Бироқ 16 февраль воқеалари бу борада янада фаол ишлар олиб бори-

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Биз ҳуқуқий фуқаролик жамияти сари дадил одимляемиз. Бу йўлда амалга ошириладиган ишларнинг кўлами катта. Эзгу ният билан барпо этиладиган янги жамиятимизнинг асосий негизларидан бири адолат тамойилларига амал қилинаётганида деб биламан.

шимиз зарурлигини кўрсатди.

“Кишилиқ дунёсида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиати-мизга бегона турли хил мафқуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар”, – дея билиб-билмай диний-экстремистик йўлга кириб қолган ёшларимизнинг маънавий, маърифий ва ғоявий онги саёзлигини назарда тутган эди юртбошимиз. Кўриниб турибдики, фаровон ҳаётимизни кўролмаётган хомхаёл ақидапарастлар онги ҳали тўлиқ шаклланмаган ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қилишади. Табиийки, биз бунга йўл қўймаймиз. Бунинг учун оилада бола туғилдими, унинг тарбияси билан шугулла-

нишимиз, онгига Ватан, миллат туйғусини синдириб боришимиз зарур.

Бугун келажак буюк давлат қуриш сари одимляётган эканмиз, олдимизда турган мураккаб вазифалардан бири маърифат масаласидир.

Тарихдан маълумки, миллатимизнинг жонқуяр фидойилари ўз маблағлари ҳисобига мактаблар, маҳитлар, кутубхоналар қурилишига ҳисса қўшганлар. Кўплаб дарсликлар ва газеталар нашр қилдиришган. Уларнинг асосий мақсади ватандошларимизда маърифий онгни юксалтириб, миллатга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, мустақиллик сари йўл бошлаш эди. Ҳозир ҳам Авлоний каби маърифат, таълим-тарбияга ҳомийлик қиладиган замондошларимиз кўплаб топилади. Бундай эзгу иш-

ларнинг бошида юртбошимиз туриб, кўплаб мамлакатларга ўртак бўладиган ишларни амалга оширмақда. Йил сайин янги-янги ўқув масканлари, коллежлар, лицейлар сони кўпайиб бормоқда.

Богбон боғи барқ уриб яшнаши учун тер тўкиб ишлайди, ҳар бир ниҳолни парвариш қилади. Худди шундай, бугунги ёшларимизни ҳам Она-Ватанимиз, миллатимиз келажакни таъминловчи ниҳолга қиёслаш мумкин. Уларга берилган таълим-тарбияга яраша натижа кутилади.

Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, ҳар биримиз қалб тўрнимиздаги миллатимизга хос эзгу туйғуларимиз, билимимиз, ҳаётий тажрибаларимизни ёш авлодга улашимиз кераклигини зиҳор унутмаслигимиз зарур. Улуғ миллатимиз шаъни, обрў-эътиборини ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун қўйсакина том маънода комилликка эришган бўлаемиз.

С. РОЗИҚОВ,
ички хизмат капитани.

ҚОНУНЛАР – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ватанимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида жаҳон андозаларига хос ва мос қонунлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимини ошириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Яқинда Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда “Жиноий жазоларнинг либераллаштири-

гарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун кенг муҳокама қилинди. Вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Н. Қаюмов, вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ф. Шаймановлар қонунчиликдаги

ўзгартишларнинг туб моҳияти, шунингдек, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга эътибор ошириладиганини таъкидладилар. Бундан ташқари ўқув масканлари, кенг жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ.

“Диққат, пиёда!”

ТАДБИР КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН!

Мамлакатимизнинг бепоён йўлларида ўтказиладиган “Диққат, пиёда!” тадбиридан кўзланган асосий мақсад пиёдаларга айрим бепарво ҳайдовчилар томонидан тан жароҳати етказилишига йўл қўймасликдир. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун жойлардаги унга бевосита мутасадди бўлган йўл-патруль хизмати инспекторлари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, бу борада зарур ишларни амалга оширишса, шунингдек, ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасида ўзаро мутаносиблик вужудга келтирилиб, ҳар иккала томон йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишса ҳеч қандай йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлмайди. Аммо ҳаёт тасодифларга тўла.

24 ноябрь тунда Термиз шаҳрида иккита йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Ат-Термизий номили кўчани кесиб ўтаётган Ҳасан Пўлатовни номаълум автомашина туртиб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетади. Вилоят ИПХ ходимларининг тезкорлик билан олиб борган ҳаракатлари натижасида шу шаҳар фуқароси бўлган Б. Владимир “Нексия” русумли машинаси билан ушбу ҳодисани содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

В. Тришкин А. Икромов кўчасида велосипедда йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди. Лекин шу вақтда М. Иброҳим бошқарувида бўлган “Нексия” автомашинаси бу фуқа-

рони туртиб кетди. Йўл-транспорт ҳодисасидан оғир тан жароҳати олган Владимир шаҳар касалхонасида ҳаётдан кўз юмди.

Умуман, тадбир бошлангандан буён вилоятда 13 марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди, 3 нафар пиёда ҳаётдан кўз юмди.

Ўзини асрагани Яратган ҳам асрайди. Халқимизнинг бу доно гапидан келиб чиқадиган бўлеак бахтсиз ҳодиса содир бўлмаслиги ҳар бир фуқаронинг ўзига боғлиқ. Қолаверса, бу ишга мутасадди бўлган масъул ходимлар ўз вазифаларига қай даражада эътибор беришаётганлиги ҳам муҳимдир.

С. АБДУВОҲИДОВ.

“Диққат, пиёда!” тадбири бошлангани билан ИПХ инспекторлари янада ҳушёрлик билан фаолият кўрсатишмоқда.

– Инсонда масъулият бўлмоғи керак, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙҲХБ бўлинмасининг гуруҳ сардори, милиция капитани Онгарбой Турдимуротов. – Спиртли ичимлик ичиб транспорт бошқарган кишини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Чунки у нафақат ўзи, балки ўзгалар ҳаётига ҳам раҳна солиши мумкин. Сўнгги уч ой давомида ИПХ инспекторлари томонидан 14059 та йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Шулардан 208 тасида фуқаролар маст ҳолатда транспорт бошқарган. Масалан, “ВАЗ-2101” русумли, давлат белгиси 23 Е 56-78 бўлган автомаши-



ҲУШЁР БЎЛ, ҲАЙДОВЧИ...

Албатта, Баъзан тасодиф туфайли ҳам соғлигимиздан айрилиб қолишимиз мумкин. Техника тараккий этган даврда ундан фойдаланиш кундалик ишимизга айланган. Гоҳида эҳтиётсизлик қилиб, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмай-миз. Бунинг оқибатида бебаҳо соғлигимизга путур етиши таъин. Ана шундай пайтда ИПХ инспекторларининг танбеҳларидан хафа бўлган кунимизни эслаб, улар ҳақ эканлигини тушуниб етамиз. Лекин бунда кеч бўлади.

на тўхтатилиб, текшириб кўрилганда ҳайдовчи ичганлиги аниқланди ва машина жарима майдонига келтириб қўйилди.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилардан ташқари жиноятга қўл ураётганлар ҳам аниқланмоқда. Масалан, гиёҳвандлик билан боғлиқ 2 та ва паспорт режими бузган 58 та ҳолат қайд этилди. Тўртқўл шаҳри Фролов кўчасида яшовчи Адолат Жуманиёзова ўз

юртига захри-қотил олиб келадиганда “Мискин” ИПХ масканида тўхтатиб қолинди. Унинг ёнидан 7,2 грамм гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди. Йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашда ИПХ катта ноизири, милиция лейтенанти Ертас Усенов, милиция катта сержантлари Баҳодир Султонов, Мурот Шаҳаров ва кинолог, милиция катта сержанти Минаҳмед Юсуповлар ҳамкасбларига ўртак бўлишмоқда.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.
Суратда: ИПХ катта ноизири, милиция старшинаси Қаллибек Мамбетқаримов хизмат пайтида.

А. МУРОТОВ олган сурат.

Саҳифада — Янгийўл шахри

МАҚСАД — САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Янгийўл шахри расман 1937 йилда ташкил топган. Аммо бунгача ҳам баҳаво, ери ҳосилдор бу жойларда одамлар яшаган, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишган. Шаҳарда саноатнинг шаклланиб, ривож топганида айнан қишлоқ хўжалигининг таъсири катта бўлган. Янгийўлдаги гидролиз заводи, ёғ-мой комбинати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси, кондитер фабрикаси кўпчиликка яхши маълум.

Тўғри, собиқ иттифоқ республикалари ўртасида иқтисодий алоқалар сустлашган даврда бу ерда ҳам ишлаб чиқариш анча пасайди, баъзи корхоналар ёпилди. Аммо янгийўлликлар янгича замон талабларини тушуниб, тезда ишбилармон, тадбиркор эканликларини исбот қилдилар. Бугунга келиб 60 минг аҳоли яшаётган шаҳарда 500 га яқин нодавлат хўжалик объектлари фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир.

Ўн икки маҳалладан иборат Янгийўлда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашади. Уларнинг тинч турмушини муҳофаза қилишга шаҳарнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қатори ИИБ ходимлари ҳам ҳамиша шай. Бугунги саҳифамизда осойишталик посбонларининг серқирра, заҳматли хизматини ёритишга ҳаракат қилдик.

Илгари ишлаб чиқаришда ва бошқа хизмат соҳасида рақобат деярли бўлмасди. Энди замон, талаб бошқача. Бугун корхона эгаси ёки тадбиркор ўз объектини истаса кўриқлаш учун топширади, истамаса ўзи қоровул ёллаши мумкин. Кўриқлаш бўлинмалари эса тўла хўжалик ҳисобида. Хўш, улар янгича шароитда қандай иш олиб боришяпти?

КАФОЛАТ СЎЗДАГИНА ЭМАС

Тўғри, жорий йилда шартнома мажбуриятини вақтида бажармаган баъзи корхоналар маъмурияти билан муносабатларни узишига тўғри келди. Аммо ўз объектларини ишониб уларга кўриқлаш учун топшираётганлар ҳам бор. Яқинда янги очилган "Хамкорбанк" бўлими билан шартнома тузилди. Бунинг боиси, хавфсизликнинг кафолатлиниши, амалда исботланишидир. Жорий йилда кўриқланаётган объектларда, хонадонларда бирорта ҳам ўғирликка йўл қўйилмади. Маълумот учун бултур ҳам худди шунга эришилганини таъкидлашни истардим. Ўғирликка бир мартагина уриниш бўлди. Унинг ҳам вақтида олди олинди. Юздан ортиқ ташмачи тутилиб, 80 минг сўмликдан зиёд товармоддий бойликлар эгаларига қайтарилди.

Бўлим раҳбарияти объектларни замонавий кўриқлаш воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берапти. Хонадонлар марказий кўриқлаш пультага уланган. Сигнализация ишлаган жойга чиқадиган тезкор гуруҳга яқинда янги "Дамас" машинаси берилди. Энди улар шаҳарнинг исталган нуқтасига қисқа фурсатда етиб боришади.

Буни кўрган ҳар қандай тадбиркорнинг, корхона раҳбарининг ҳам ишончи ортади-да. Тўғри, баъзилар, айниқса хонадон эгалари кўриқлаш ҳақи жиндақ қимматроқ-да деб оғринишади. Аммо улар кафолат ҳам юқориликни унутмасинлар. Хуллас, киши заҳмат чекиб орттирган мулкни қадрлаши, уни ишончли кўриқлаш ҳақида ўйлаши керак.

Кўриқлаш хизмати раҳбарлари тарғибот-ташвиқот ишларида корхона эгалари, фуқаролар, тадбиркорлар эътиборини масаланинг шу томонига ҳам қаратишяпти.

Шаҳар ИИБ шаходатланган ходимлар билан тўла бутланган. Бу бировнинг оғирлиги бошқасига тушмайди, ҳар ким ўз вазифасини бажаради, дегани. Хўш, уларни ўқитиш-ўргатиш — ўқув машғулоти учун қандай шароит яратилган?

Бир сўз билан рисоладагидек дейиш мумкин. Маърифат хонаси кенг, шинам, ёруғ, унда вазирликнинг тегишли буйруғида кўрсатилган барча зарур нарсалар бор.

Жисмоний тайёргарлик машғулоти шаҳар ўйингоҳида, бўлимнинг ёпиқ типда курилган спорт залида ўтказилади. Залда турли тренажёрлар, штангалар, гантеллар бор, кўл жанги, кураш каби спорт

турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилган.

— Раҳбаримиз, милиция полковниги Мираъзам Мирзаев спортнинг кўплаб турлари, айниқса, кураш билан жиддий шуғулланиб, бир қанча нуфузли мусобақаларда ғолиб чиққанлар. Шунинг учунми, айниқса, жисмоний тайёргарликка катта эътибор берадилар, бу борада талаблари ҳам қатъий, — дейди ИИБ бошлигининг ўринбо-

сари, милиция подполковниги Одилжон Арслонов.

Баъзи жойларда спорт зали кўнгилдагидек бўлади-ю, ювенил хонасига келганда оқсадади. Бу ерда душона, сауна ҳам ходимлар хизматида.

Бўлим ховлисидаги майдон саф машқлари ўтказиш талабларига тўла жавоб беради. Ўқотиш тайёргарлиги бўйича назарий машғулоти ўтказилган махсус ўқув хоналари барча кўргазмали воситалар билан таъминланган.

Гап шароит ҳақида кетаётган экан, маиший шарт-шароитлар хусусида ҳам озроқ тўхталсак. Вақти келганда ходимларнинг айримлари хизмат жойида тунаб қолишига ҳам тўғри кела-

ди. Бунинг учун жой ҳозирланган. Бўлим ховлисида жойлашган ошхонада уч маҳал егулик тайёрланади. Кимдир шошганидан ишга нонушта қилмай келади, кимдир алламаҳалгача ишлаб тунаб қолади, дегандай. Эрталаб иссиқ чой, нон, сомса, сариёғ доимо тайёр. Кечкурун кўнглингиз тусаса, иссиқ овқат тановул қилишингиз мумкин.

Бўлим раҳбарлари белги-ланган кунларда фуқаролар, ходимларни қабул қилиб, уларнинг арз-шикоятлари, таклифларини эшитишади, ўрганиб чиқади. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад шаҳарликлар осойишталигини таъминлаш бўйича хизмат самарасини оширишдан иборат.

ТАҲЛИЛДА ГАП КЎП

Бошқа жойларда бўлгани каби, Янгийўл шаҳар ИИБ автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қолида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўлинмаси фаолияти ҳам кўпроқ йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасига йўналтирилгандир. Ходимлар ҳамиша маълумотларни таҳлил қилиб, тегишли чоралар белгилаб боришади.

Йўл-транспорт ҳодисалари кўпроқ қайси кўчаларда, сутканинг қайси маҳалида, ҳафтанинг қайси кунинда бўляпти — буларнинг барчаси муҳим. Шаҳар ҳудудидagi Самарқанд, Беруний, Шерматов кўчалари ва Тошкент шоҳкўчасида соат 18.00 — 02.00 оралиғида ҳаракатланиш иштирокчилари устидан ЙПХ ходимларининг назорати кучайтирилди. Транспортни маст ҳолатда бошқаришнинг олдини олиш учун вақти-вақти билан қаҳвахона ва рестороанлар олдиларида тунги соат 20.00 — 02.00 лар ўртасида махсус рейдлар ташкил этилди.

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини ва йўлларнинг аҳолини текширишга эътибор

оширилди. Ходимлар тез-тез корхона ва ташкилотларга бориб, тушунтириш ишлари олиб борадилар. Мақтаб ўқувчилари, болалар боғчалари тарбияланувчилари ҳам назардан четда қолмаяпти.

Рақамларга мурожаат қилсак, амалга оширилган ишлар ўз натижасини бераётганига гувоҳ бўламиз. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ЙТХ биттага, унда ўлган ва жароҳатланганлар бир нафарданга камайган. Ваҳоланки, шаҳарда қатнов, транспорт воситаларининг сонини ошса ошганки, камайган. Айниқса, болалар иштирокидаги ЙТХларининг кескин камайишига эришилди. Ўтган давр мобайнида йўл-транспорт

ҳодисалари чоғида бирорта ҳам бола нобуд бўлмади.

Албатта, ҳали қилинади-ган ишлар кўп. Хусусан, шахсий автоулов ҳайдовчилари ва

18 сентябрь кунини Д. Қ. Ўз шахсий автомашинасида кетаётган тезликни меъёрдан оширгани учун йўлни кесиб ўтаётган пиедани уриб юборган.

10 ноябрь кунини эса Ш. А. спиртли ичимлик ичган ҳолда ўзига қарашли транспортни



Бўлимма ходимлари автотранспорт воситасининг техник ҳолатини текширишяпти.

пиедаларнинг йўлларда ҳаракатланиш бўйича билими, маданиятини ошириш борасида. Шу пайтгача юз берган 44 йўл-транспорт ҳодисасининг 38 тасини шахсий автомашина эгалари содир этган. Жами ЙТХда 7 киши оламдан ўтган бўлса, шундан 5 нафари ўзлари айбдор бўлган пиедалардир.

бошқараётган юк машинасига урилади. Натижада оғир тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилади.

— Бу ҳолатлар чуқур таҳлил қилиниб, келгуси иш режаларига тегишли тадбирлар киритилди, — дейди бўлимма бошлиғи, милиция майори Абдулхай Комилов.

АВВАЛО ПРОФИЛАКТИКА...

Сўнгги ўн йил ичида Янгийўл шахрида жиноятчиликнинг қисқариши кузатиляпти. Ўтган йилни оладиган бўлсак жиноятларнинг умумий сони ҳам, уларнинг оғир, ўта оғир турлари ҳам камайди. Бу анъана жорий йилда ҳам сақлаб қолинди. Масалан, жиноят-қидирув соҳаси бўйича жиноятлар 1993 йилда 330 тани ташкил этган бўлса, бу йилнинг ўтган даврида уч юзтага етгани йўқ.

Бу натижаларга аввалом-аввал профилактик ишларни кучайтириш ҳисобига эришилди. Вояга етмаганлар, муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг камайиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Янгийўллик ички ишлар ходимлари рецидив жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор беришяпти. Бу ерда бўйича маъсул, милиция подполковниги М. Юсулов шундай дейди:

— Биргина октябрь-ноябрь ойларида уч юзга яқин киши жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиқиб, шаҳаримиздаги доимий яшаш жойларида қайтиб келишди.

Профилактика инспекторлари олдиндан уларни кутиб олишга тайёргарлик кўришди. Озодликка чиққанларнинг аксарияти фуқаролик паспортлари, моддий ёрдам пуллари олишди. Барча хоҳловчилар меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштирилди. Улар учун ёғ-мой комбинати, биокимё заводи, кондитер фабрикаси каби йирик корхоналарда, бошқа муассасаларда олдиндан иш ўринлари тайёрлаб қўйилган эди. Бу борада тадбирлар давом этапти. Профилактика инспекторлари ҳар кунини қилган ишлари ҳақида ҳисобот беришади.

Шаҳар ИИБ профилактика хизматида кўплаб таж-



Профилактика катта инспектори С. Хусанбоев ва милиция капитани Т. Холдорев маҳалла посбонлари билан.

рибали ходимлар фаолият кўрсатишади. Улардан бири катта профилактика инспектори, милиция майори Собир Хусанбоевдир. У ички ишлар идораларида салкам йигирма йилдан буён хизмат қилади. Бир неча бор малака ошириш курсларида ўқиб қайтган. Мана, ўн йилдан ошдики, "Мустақиллик" маҳалласида катта профилактика инспектори. Бу худуд анчайин мураккаб ҳисобланади. Биокимё заводи шу маҳаллада

жойлашган. Аҳоли асосан хусусий уйларда истиқомат қилади. Инспектор маҳалла аҳлини жуда яхши билади, доимо фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси фаоллари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Маҳаллада ободонлаштиришдан тортиб то жамоат тартибини сақлашга бўлган қатор масалалар билан шуғулланувчи доимий штаб фаолият кўрсатади. Унинг таркибига соғлиқни сақлаш, уй-жой бошқаруви, маҳалла

қўмитаси, милиция вакиллари киради. Штаб мажлисида тегишли соҳалар мутасаддилари ҳафта мобайнида ўз йўналиши бўйича қилган ишлари, мавжуд муаммолар борасида мунтазам ҳисоб бериб турадилар.

С. Хусанбоев шаҳар миқёсида ўтказилган "Тун", "Антитеррор" каби тадбирларда қатнашишдан ташқари ўзи ҳам рейдлар ўтказиб, турли ҳуқуқбузарларни аниқлайди. Маҳалла посбонлари унинг яқин ёрдамчилари. Уларни ўзи танлаган. Бу йил маъмурий ҳудудда жиноятчилик 20 фоизга қисқарди. Ҳамма жиноятлар очилди. Яқинда содир қилинган ўғирлик ҳам унинг иштирокида фош этилди. Ўғирлар тунда уй эгасининг йўқлигидан фойдаланиб кийим-кечак ва мол озуқасини ўғирлашган экан. Инспектор маҳалладаги илгари жиноий жавобгарликка тортилган икки кишидан шубҳаланди. Тергов-суриштирув ишлари унинг шубҳаси тўғрилигини тасдиқлади.

Шаҳар ИИБ профилактика бўлинмасида ёшлар ҳам ишлашади. Қ. Қўшоқов икки йилдан буён профилактика инспектори сифатида фаолият кўрсатади. Вазифасини удалаяпти. Сабаби — устози милиция майори С. Хусанбоев. Улар ёнма-ён жойлашган маҳаллалар маъмурий ҳудудларида хизмат қилишади. С. Хусанбоев Қўшоқовдан бошқа яна икки нафар профилактика инспектори фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, тез-тез уларнинг ҳудудларида бўлиб, ишлари билан танишади.

Маҳаллаларда ўтказилган профилактик тадбирларда бошқа хизмат вакиллари ҳам қатнашиб туришади. Масалан, терговчилар аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида хабардор қилишади. Жиноят-қидирув, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, Янгийўл милицияси фахрийлари ҳам бу ишдан четда қолишмаяпти.

Саҳифа материалларини Л. КИЯШКО ва Б. ТОШЕВ тайёрлашди. Ш. ЗУФАРОВ олган суратлар.

Tabassum

Посида газетасининг иловаси

HAFTALIK

+TV

DASTURLAR

ТАНИҚЛИ КИШИЛАР
БИЛАН УЧРАШУВ,
ҲИКОЯ, ҲАЖВИЯ, ХАНДАЛАР,
СКАНВОРД, КРОССВОРД,
МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ,
ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ

“ТРУД” КАШФ ЭТАЁТГАН “МИТТИ ЮЛДУЗЛАР”

Тошкентда “Труд” газетасининг соврини учун шахмат бўйича VI халқаро турнир ўтказилди.

“Юнусобод” спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган ушбу бахсларда Ўзбекистоннинг деярли барча минтақалари ва бир нечта Ҳамдўстлик давлатларидан келган ёш шахматчилар иштирок этишди.

Шахмат тахталари узра кечган шиддатли жанглари ёши катта шахмат усталариникидан асло қолишмаслигини кўрсатди. Яна бир томони, болалар беллашганда катталардан фарқли ўлароқ, кутилмаган натижалар қайд этилиши кўзга ташланди. Бу шу билан боғлиқки, биринчиликда 6-7 ёшдан 16 ёшгача бўлган гуруҳлар ўзаро куч синашишди. Бинобарин, ўтган йили ўзини намойиш эта олмаган айрим болакайлар турнирлар ораллигида шундай тайёргарлик кўришдики, ҳатто “таниқли” рақибларини доғда қолдиришди.

Жиззах шаҳридан ўн уч ёшли Юлдуз Ҳамроқулова бунга ёрқин мисол бўла олади. Унинг истеъдоди айнан “Труд” газетаси турнирида “кўз очди”. Ушбу турнирда олти ёшидан қатнашаётган бу “митти юлдуз” вақт ўтиши билан ҳақиқий юлдузга айланди. Истеъдод қирраларини эгаллаган Юлдуз эндиликда Ўзбекистон терма жамоаси сафида қатнашиб, халқаро мусобақаларда муваффақият қозонмоқда. Осиё ва Ҳиндистон чемпионатида эса бронза совринини қўлга киритди.

Унинг фамилиядоши, самарқандлик Иброҳим Ҳамроқуловга ҳам, омад кулиб боқмоқда. “Труд” турнирида Иброҳимнинг оиласидан уч ака-ука баҳс юритарди. Аммо ҳозирча биргина у шухрат қозонди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок эта бошлаган бу ёш шахматчи Испаниянинг Линарес шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллади.


Антон Филиппов ва Тимур Гареевлар Катар ҳамда Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида тенгқурлари орасида чемпион деган номни қўлга киритиб, яқинда қайтиб келишди.

Навбатдаги турнирда халқаро тоифадаги уста Елена Лёвушкина қатнашмапти. Биринчидан, у ўн етти ёшга тўлди

(“Труд” турнирида 16 ёшга тўлгунча иштирок этиш мумкин), иккинчидан эса у Москвада ўтадиган жаҳон чемпионатида ўз мамлақати шаънини ҳимоя қилади. Ана шу хушхабар VI халқаро болалар шахмат турнирининг тантанали очилиш маросимида эълон қилинганда барча иштирокчилар қувонч билан олқишлашди. Буни тушуниш мумкин. Лёвушкина “Труд” турнирларида тобланган спортчилардан биридир. У бундай бахсларда бир неча марта ғолиб чиқиб, нафақат болалар шахмати тарихидан муносиб жой олди, балки нуфузли олий ўқув юртликларида бирида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўқимишли газета ташкил этган шахмат мусобақаси ғолиблари учун берилган имтиёزلардан бири шундан иборат.

— Биз Ўзбекистондаги болалар ўртасида шахматни ривожлантиришга шу даражада эътибор бераётган тахририятдан беҳад миннатдоримиз, — дейди шахмат федерацияси ижрочи директори Вера Геворгян.

Бундай сўзларни ота-оналар, шахмат-шашка мактаблари мураббийларидан ҳам бир неча марта эшитганмиз. Уларнинг барчаси олти йилдан буён ноябрь ойининг охирида ўтказиладиган “Труд” газетаси турнирини худди байрамдек, илҳақ бўлиб кутишларини таъкидлашди. Кўпчилик учун ушбу



экстремизмнинг олдини олиш борасида нималар қилаётганимизни айтиб бердик. Учрашувлардан бирида собиқ гиёҳвандга сўз берилди. У ўз бошидан кечирганларини очик-ойдин гапирди. Бошида “Яна бизга ақл ўргатишади, насиҳат қилишади” деган хаёлда ўтирган ёшлар бу ҳаётини, фожияли ҳикояни эшитиб, қаттиқ тасирланишди. Шундан сўнг нафақат гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш, балки уларни тарқатиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам кўплаб саволлар беришди. Шу тариқа ўртада ўзаро ишонч пайдо бўлиб, ошқора мулоқот бошланди.

Ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан кишиларга алоҳида эътибор берамиз. Уларни ишга жойлаштириш, турар жой билан таъминлаш рецидив жиноятларнинг олдини олиш демакдир.

2001 йил июлида озодликка чиққан Николай В. тақдир тақо-

зоси билан бошпанасиз қолди. У туман ИИБга келиб дардини айтди. Ҳокимлик ва милиция вакиллари аралашиб, уни Тошкент трамвай депосига ишга жойлаштиришди. Николайга ётоқхонадан жой ҳам ажратилди.

Сергейнинг тақдири ҳам шунга ўхшаш. Колониядан чиққач, у турли сабабларга кўра кўчада қолди. Бахтли тасодиф туфайли Светлана билан танишди. Иккаласи бир-бирига маъқул тушди. Фақат қиз Сергейнинг “доғли” ўтмишидан чўчирди. Ниҳоят икковлон етаклашиб катта профилактика инспектори, милиция капитани И. Жалиловнинг олдига келишди. Узоқ суҳбатдан сўнг Светлана Сергей ўзининг илгариги хатосини тўла англаб етганига ишонч ҳосил қилди.

Ходимларимиз бундай учрашувлар, суҳбатларни мунтазам ўтказиб туришади. Ҳамшаҳарларимиз юртимиз тинчлиги ўз маҳалласи, кўчаси осойишталигига боғлиқлигини тобора чуқурроқ англаб боришяпти. Шунинг учун ҳам бу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишяпти.

А. ЗОЛОТАРЁВА.

ХИЗМАТГА ИШТИЁҚ БЎЛСА

таев, Ҳамдам Вафоевлар бизнинг энг яқин ёрдамчиларимиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоатчилик билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Шу боис ҳам кишлоғимизда ҳуқуқбузарлик ҳолати кам.

Шу йилнинг ёзида поёбонлар ёрдамида чегара постиди шубҳали “меҳмон” – Туркменистоннинг Илонди туманида яшовчи Отахон Дурдиевнинг ҳужалик сумкаси текшириб кўрилганда ундан катта миқдорда гиёҳвандлик моддаси топилди.

Профилактика инспекторлари ишига кейинги пайтда ҳуқуқимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролар

билан бевосита яқиндан мулоқот олиб борувчи бу хизмат ходимлари сони оширилди. Шу билан бир қаторда хизмат шарт-шароитлари яхшиланмоқда. Мен хизмат қиладиган Шовот тумани ҳудудида замонавий милиция таянч пункти қуриб битказилди. “Манақ” кишлоғида қад кўтарган бу бино ёшларнинг ҳам севимли маскани. Улар спортнинг волейбол, стол теннис, шахмат-шашка каби турлари билан шуғулланиш имконига эга бўдилар. Барча қулайликларга эга бўлган бундай бинода хизмат қилиш кишининг гайрат, шижоатини оширади.

Қосимбой ЁҚУБОВ,
милиция капитани.

Мухлисларимиз мактуби

ОМОН БЎЛИНГ, ПОСБОНЛАР!

Қизим касалхонада даволаняпти. Уни кўргани бориб, хаёл билан автомашинам эшигини қулфламай, касалхонага кириб кетибман. Қизимни кўриб чиқсам, машинанинг эшиги очилган, “ДЭУ” русумли автомагнитофон ва қора сумкачамдаги 20 минг сўм пул йўқ.

Мен тезда Бағдод тумани ички ишлар бўлимига бориб, аҳволни тушунирдим. Тезкор ходимлар ишга киришиб, жиноятчиларни излай бошладилар. Орадан уч кун ўтиб, мени милиция бўлимига чақиришди. Бордим. Номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган автомагнитофонни менга бус-бутун ҳолда топширишди, пулимни ҳам қайтариб беришди. Фидойи осойишталик поёбонларига, хусусан О. Рўзиев, Н. Хонкелдиев, О. Баракбаевларга миннатдорчилик билдираман.

Ж. БОЛТАБОВЕВ,
иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси.

“БУТУН УМИДИМ СИЗЛАРДАН”

Мен Пахтачи туманидаги Охунбобоев номли ширкат ҳужалигида истиқомат қиламан. “Постда” газетаси севимли газеталаримдан бири. Аммо кейинги пайтда ушбу нашр келтирилишида узлишлар бўлиб турибди. Масалан, газетанинг 30-сонини олмадим. Бизга хизмат кўрсатадиган “Пастбуркут” алоқа бўлимидаги ходимлардан сўрасам газетанинг шу сони умуман келмади, дейишди. Туман марказидаги алоқа бўлимидагиларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. У ердагилар текшириб кўришга ваъда беришди. Аммо бирор натижа чиқмади.

Шундан сўнг газетанинг 38,39,40-сонлари бир ҳафтадан кечикиб қўлимга тегди. Бу қандай гап ахир? Шу аҳволда тезкор ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиш мумкинми? Ҳозирда янги обуна мавсуми давом этаётган бир пайтда газета тарқатилишида тартиб ўрнатилишига умид боғлаб сизларга хат йўллаяман.

М. ТУРДИЕВ,
II гуруҳ ноэирони.

ЎЗИМИЗ ХУШЁР БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Мен йегирма йилдан ортқ ички ишлар идораларида хизмат қилганман. Ҳозир нафақадаман. Кўп йиллик тажрибаларимдан келиб чиқиб шунини айтмоқчиманки, жиноятчилик ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Гоҳида фуқароларимизнинг ўзлари бевосита жиноятга аралашиб қоладилар. Масалан, бозорда арзон мол сотилди. Сотиб олаётган киши арзонлигидан хурсанд бўлиб, етаклаб кетаверади. Ваҳоланки, ўша мол ўғирланган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда, айниқса, маҳаллага, кўчаларга келиб турли хил нарсаларни сотиб юрадиганлар кўпайиб қолди. Одий иенадан, автомашина эҳтиёт қисмларигача олиб келишади. Бозордан, дўкандан арзон сотилаётганидан айримлар шубҳаланиш ўрнига, айни муддао бўлиб, деб сотиб олаверишади. Суриштириш хаёлларига келмайди. Бу эса ўғрилар, эски, носоз буюмларни алдаб сотиб кетадиганларга қўл келади. Агар, сотиб олаётган нарсаларни суриштириб, қоидаларга мос келишига ишонч ҳосил қилиш одатимизга айланса, бу ўғриларнинг йўлига тов бўлади, жиноятчилик ҳам камайди.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
истеъфодаги милиция майори.

Жиноят қандай оқибатларга олиб келишини ҳаммадан кўра биз, профилактика инспекторлари яхши биламиз. 20 йилдирки, фақат шу соҳада хизмат қилиб келмоқдам. Ўтган вақт давомида кўплаб одамлар билан учрашиб, уларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворларини ўргандим. Касбдошларим билан кўплаб оилаларни бузилиб кетишдан сақлаб қолганмиз.

Шоҳсанам исмли аёл эридан нолиб ҳузуримга келди. Суҳбат чоғида эри Шавкат Холниёзовнинг охириги пайтларда спиртли ичимликка ружу қўйиб, оиласида тез-тез жанжал чиқаришни одат қилиб олгани маълум бўлди.

Эрталаб Шавкатни хизмат хонамга чақириб келдим. У ичмаса бинойидек йигит экан. Ҳатто, кечаги қилмиши учун биздан кечирим сўради. Қўли гул бу уста йигит ясаган эшик, ромлар харидориги бўлиб, мижозлар навбат кутиб туришарди. Бирок топармон-

тутармон устанинг текин бўлса мижоз ҳам ютадиган ҳамтовоқлари кўпайиб, қўли очиклигидан фойдаланиб уни майхўрга айлан-тириб қўйишганди. Шавкатга ароқхўрликнинг оғир оқибатлари, атрофида гирдиқапалак бўлиб юрганларнинг кимлигини тушуни-тириб бердик.

Йигит ор-номусли экан. Ҳозир кишлоқда ундан бахтли одам йўқ. Яқинда неварали ҳам бўлди.

“Қангли” кишлоқ фуқаролар йигини раиси Қадам Аранов ва маҳалла поёбонлари Керки Бол-

ОҒУ КЎТАРГАН АЁЛ

Асли тожикистонлик, ҳозирда Россия Федерацияси фуқароси, Новосибирск шаҳрида истиқомат қилувчи А. Навбарой кичик тадбиркорлик билан шуғулланиб, топган даромади фарзандлари ҳамда ўзини боқиб етарли эди. У тижоратни янада кенгайтириш мақсадида Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрига арзон нархда узум топиш илнжида келиб, бозорда Илҳом деган йигит билан танишиб, буни нишонлаш мақсадида улар Илҳомнинг уйига келишди. Йигит хушсураг ҳамда

хушмуомалалиги билан Навбарой ром этади. Боз устига Илҳом гиёҳвандлик моддаларини арзон нархда топиб бериши, уни Россияда икки-уч баравар ортиқ нархда пуллаб, катта фойда олиши мумкинлигини айтади. Бундан ҳаволаниб кетган Навбарой келишувга асосан айтилган вақтда Илҳомнинг уйига келиб, 1500 грамм героин учун 2.800 АҚШ доллари санаб берди. Йигит бу оғуларни чегарадан олиб ўтиш йўлини ўргатиб, рангли қаламлар қутиларига героинни солиб, саватлар тагига жойлаштиради. Аёл

эса Россияга жўнаб кетишидан бир кун аввал хурмо, узум ва бошқа мевалардан сотиб олиб, героин яширилган саватларга жойлади. Эрталаб саватлар билан Хўжанд шаҳридан "Дамас" машинасида Бекобод шаҳрига йўл олди. Божхона масканида автомобилни текшираётган ходимларда бу хонимнинг безовталиги шубҳа уйғотди. Қўлидаги саватлар текширилганда таг қисмидан хуфёна яширилган 1401 грамм героин гиёҳвандлик моддалари топилди.

Белни оғритмай мўмай пул топиш йўлини танлаган тижоратчининг саёҳати шу ерда ниҳоясига етди.

Ш. ДАЛИЕВ.

Яқинда хонободлик дўстимни учратиш қолдим. Гап айланиб, Шукур полвонга тақалди.

— Наркоман бўлиб қолибди, игнага ўрганган экан, — деди дўстим.

Устимдан биров муздай сув куйгандай бўлди.

— Нега ишонмайсан, бориб кўргин, полвонлигидан асар қолмаган, озиб, кичкина боладай бўлиб кетган.

Хизмат юзасидан Қирғули туманига бориб, яна ҳам даҳшатли хабарни эшитдим.

— Полвон қотилликка қўл урибди, — дейишди.

Прокуратурага бориб, қадрдоним ҳақидаги гаплар тўғрилигини эшитиб, қотиб қолдим.

— Шукур Фозиловнинг қотиллик қилгани рост, — деди Қирғули тумани прокурорининг ўринбосари Музаффаржон Мамажонов. — У ўзини даволаган аёл-

ТУБАНЛИК

Фаргона водийси ўз полвонлари билан ҳам машхур. Одатда турли маросимларда, айниқса, ҳатна тўйларида, албатта кураш бўлади. Хонободлик Шукур полвонни ўш, Жалолобод, Хўжанд томондагилар яхши танишади. У даврага тушганда ёғилдиган олқишлардан ғурурланса арзийди.

Шукур полвон билан яқиндан танишиб, кейинчалик қадрдон бўлиб кетдик. Кейинги пайтларда у давраларда кам кўринадиган бўлиб қолди. Охириги учрашувимиз қачон бўлгани ҳам эсимда йўқ.

нинг ўғлини шафқатсизларча пичоқлаган. Пул топиш йўлида шу ишни қилганини тан олди. Гиёҳвандлик моддаси топиш учун бор будини сотиб бўлибди, оиласидан ажрабди. Охири ўз жияни — 14 ёшли боланинг бошига етибди.

Суд тубанликка юз тутган полвоннинг қилмишига яраша жазо тайинлади. Гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатини юртга таниқли бўлган Шукур полвон ҳаётида яққол кўриш мумкин.

М. КИМСАНБОВЕВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

Музработ туманидаги "Туркистон" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Сайдали Эшалиев тонг қоронғусида яхши ният билан чўнтагига 250 минг сўм пулни солганча, мол бозорга йўл олди. Етиб келиб, бозор дарвозасидан ўтмоқчи бўлган ҳам эдики, кимдир унинг қўлидан ушлаб, четга тортиди. Ҳе йўқ, бе йўқ бу фуқаро Сайдалининг чўнтагидаги бор пуллари суғуриб олди-да, "қуён-

нинг расмини чизди". Жабрланувчи эса унинг ортидан бақирганча қолаверди. Қоронғуда қароқчининг афт-башарасини яхши эслаб қолмаган Сайдали пулидан умидини узиб турган чоғида, ёнига шовқинни эшитиб етиб келган посбонлар унинг жонига оро киришди. Қидирув ишлари натижасида талончиликка қўл урган бекор-

чи, илгари судланган Я. Х. ушланиб, ундан ашёвий далил олинди.

Денов тумани У. Юсупов кўчасида яшовчи Замира Муродова бир фирибгарга ишониб, 80 минг сўм пулидан айрилишига оз қолди. Тўй қилиш учун ёғ керак бўлиб, Денов ёғ-мой экстракти заводи томон борган-

АГАР "СУЛТОН" БЎЛСАМ ЭДИ...

Оиласи ва икки фарзанди бўлатуриб Султонбек Феруза исмли ёлғиз аёл билан яширинча яшай бошлади.

Қўли очик "султон" аёлга уй сотиб олиб берди. У иккала оилани моддий жиҳатдан таъминларди. Кўп ўтмай Феруза фарзанд кўрди. Ишлар жойида эди, аммо... Султон тижоратни кўнгилдагидек юритиш учун пул етказмади қолди. Шу сабабли икки томондан эътирозлар пайдо бўла бошлади. Энди Ферузадаги аввалги босиқлик ва камтарликдан асар ҳам қолмаганди. Унинг табиатида хусумат пайдо бўлди. У шундай ҳақоратомуз сўзларни ишларардики, Султон қулогини беркитишдан бўлак чора топа олмас эди.

Набатдаги низодан сўнг Феруза эшикни жаҳл билан ёпди-да, онасиникига кетиб қолди. Қулай имкониятдан фойдаланган Султон уйни тезда пуллаб, молиявий муаммоларини ҳал этишга сарфлади.

Бироз ҳовуридан тушган Феруза яна "бевафо" ёрининг ёнига қайтишга аҳд қилди. Аммо уй сотилганини билиб фиғони фалакка чиқди. Бу қилмиши учун Султондан ўч олиш пайига тушди. Боласини кўтариб "эри"нинг уйига келди ва ҳеч нарсадан хабари йўқ уй бекасини ҳайратга солиб, ўзи ва фарзандига тегишли мол-мулкни талаб қила бошлади.

— Агар менга уй олиб бермасанглр шу ерда яшайман. Бунга тўлиқ ҳаққим бор, — деди Феруза.

Бироз ўзига келган Султоннинг қонуний хотини эрининг олдига масалани кўндаланг қўйди: ё мени дейсиз, ё уни!

Султон кўз очиб кўргани билан қоладиган бўлди.

— Фарзандларим бор, уларни тарбиялаб, вояга етказишим керак, — деди у.

— Бу-чи, у сизнинг болангиз эмасми? — деди Феруза жаҳл отига миниб.

— Ҳали буни исботлаш керак! — қўл силтади Султон. Унинг бу қилиги шундай ҳам паймонаси тўлиб турган аёлни жунбушга келтирди. Феруза болани силталаб ерга қўйди-да, ошхонага кириб ошпичоқни кўтариб чиқди ва жазманга санчди. Жароҳат олган Султон шифохонага ётқизилди.

Феруза қилмишига яраша жавоб беради, албатта. Аммо ноқонуний ҳаёт кечиришни кўзлаган эркаклар ва аёллар ушбу воқеадан тегишли хулоса чиқариб олишса фойддан холи эмас.

Б. КЛЕЙМАН,
Андижон шаҳри.

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

— Кўп холларда фуқароларимиз конунга бўйсунмаётгани, яъни ўз бурчларини бажаришмаётгани қувончлидир, — дея сўз бошлади Тошкент шаҳар А. Икромов тумани туманлараро судининг фуқаролик ишлари бўйича раиси С. Эшонкулов. — Бошқа томондан, кимнингдир ҳуқуқи поймол этилса доим ҳам ошқор этавермайди. Айтайлик, фуқаро коммунал, телефон алоқаси ёки бошқа хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаяпти. Аммо ташкилот айби билан камчиликка йўл қўйилса судга мурожаат этмайди. Негадир масала барибир менинг фойдамга ҳал бўлмайди, бекорга вақтим кетади, деб ўйлайди. Аслида эса бундай эмас. Конун олдида барча баробар. Қуйидаги воқеа бунинг тасдиғидир.

...Варвара Николаевнанинг квартирасидан яна чакка ўта бошлади. Оила аъзолари, кимдир қўлида тоғора, кимдир челақ, бошқа биров эса яна бир буюмни келтириб, шифтдан сизиб тушаётган томчилар остига қўйишди. Бир зумда тебелъ хона ўртасига сурилиб, полослар йиғиштирил-

ди, девордаги соат, сурат ва бошқа жиҳозлар олиб қўйилди.

— Қачонгача бундай аҳволда яшаймиз? — эътироз билдиришди фарзандлар. Варвара Николаевна елка қисидан нари ўтолмади.

1995 йили уй тоmidан ўтган иситиш тармоғининг

ажратиш мосламаси носозлиги туфайли энг юқори қаватда яшовчи Варвара Николаевнанинг квартирасига бир неча марта сув тошган эди. Хонадон эгасининг туман коммунал-фойдаланиш бошқармасига қайта-қайта мурожаат қилиши наф бермади. Ниҳоят ҳафсаласи пир бўлган аёл етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб, судга ариза берди. Суд унинг талабини қондирди. Туман коммунал-фойдаланиш бошқармаси товон тўлади, аммо иситиш тизимидаги носозликни бартараф этишни негадир лозим топмади.

1999 йил апрель ойида квартирани яна сув босди. Шифтдан сизиб тушаётган сув деворга "гул чизди", хонани зах қоплади, чакка туфайли оила аъзолари каллиш кийиб юришди. Варвара Николаевна туман коммунал-фойдаланиш бошқармасига бир неча марта арз қилиб борди.

— Биздан нима истайсиз? Ҳозир қувур ҳам, бошқа жиҳозлар ҳам йўқ! — дерди ҳал бошқарма бошлиғи. Бу сўзларни эшитган аёл тарвузи қўлтигидан тушиб қайтиб кетарди.

Орадан бир йил ўтгач орзиқиб қутилган кун келди. Қувурлар омборга туширилгани маълум бўлди. Кўп ўтмай уйнинг томида иш қизиб кетди. Варвара Николаевнанинг квартирасини таъмирлаш масаласи ҳам кўндаланг қўйилди.

— Ҳм-м... — пешонасини тириштирди хоналарни кўздан кечириб чиққан бошлиқ. — Майли, мана шу хона, ётоқхона, ваннахона ва деразаларнинг тепасидан чакка ўтган жойларни таъмирлашга розимиз.

— Бу нима деганингиз, бошқа жойлари-чи? — ҳайрон бўлиб сўради Варвара Николаевна.

— Хоналарнинг қолган қисми зарар кўрмаган. Шу

бўйлаб намозшом вақтида бораётганда йўлини бир номаълум кимса тўсиб чиқди-ю, бўйнидаги тилла занжирини юлиб олиб кўздан йўқолди. Қимматбаҳо тақинчоғидан айрилиб қолган бу аёл шаҳар милициясига арз қилди. Олиб берилган тезкор қидирув ишлари натижасида занжир "шайдоси", бекорчи Э. Аҳмад қўлга олинди. Буюм эгасига қайтарилди.

С. АБДУВОҲИДОВ.

Ҳуқуқингизни биласизми?

сабабли ортиқча маблағ тўлашга ҳожат йўқ.

Бошлиқ шундай дея эшик томонга йўналди.

— Ахир коммунал хизмат учун пулни ўз вақтида тўлаб турибмиз-ку! — дея овозини баландлатди бундай адолатсизликка чидай олмаган аёл унинг ортидан. — Шундай экан шартномада кўзда тутилган техник хизматларни талаб қилишга ҳаққим бор.

Орадан яна бир неча ой вақт ўтди. Бошқарма бирор чора кўришига кўзи етмаган Варвара Николаевна яна судга арз қилди.

Ушбу ишнинг атрофлича кўриб чиққан суд ҳайвати фуқаронинг хонадонига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Бундан ташқари суд учун сарфланган барча тўловлар ҳам коммунал-фойдаланиш бошқармаси зиммасига юклатилди.

И. САЙФУТДИНОВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Хўжаобод тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда.



Мирзоҳид Миродилович МАШРАПОВ. 1973 йилда туғилган. Хўжаобод туманида яшаган.



Мирзaxon Неъматжонович АБДУЛЛАЕВ. 1966 йилда туғилган. Хўжаобод тумани А. Набиев жамоа хўжалиги Кўприкбоши маҳалласида яшаган.



Ойбек Абдумуталипович ЭРГАШЕВ. 1977 йилда туғилган. Хўжаобод туманида яшаган.



Муҳаммадтурди Хамидович ЗУЛУНОВ. 1960 йилда туғилган. Хўжаобод шаҳар Бўстон кўчаси, 21-уйда яшаган.



Санобархон ВАҲОБЖОНОВА. 1944 йилда туғилган. Илгари фирибгарлик жинояти учун судланган. Хўжаобод тумани Ҳамза кўчасида яшаган.

Юқорида номлари келтирилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

"БОЛАНГДАН ҚАЙТСИН, БОЛАМ..."

... Азимбойнинг ота-онаси Олмагулга совчи бўлиб боришганда "кўрпасига қараб оёқ узатмаган" йигит томоннинг устидан кўпчилик кулган. Чунки Азимбой ўта меҳнаткаш, индамас, одамови йигит бўлиб, оиласи нисбатан камбағалроқ, қиз томон бадавлат, Олмагул ҳам шаддотгина қиз эди.

Тақдир экан, тўй бўлди. Ёшлар ширингина яшай бошладилар. Йиллар ўтди. Бирин-кетин фарзандлар туғилиб, ўсаверди. Оилада ота рўзгор учун топиб-тутовчи, она рўзгорбошига эллади. Фақат... баъзан Олмагулнинг ҳовлини "бошига кўтариб" шангиллаши эшитилиб қолар, бундай пайтда Азимбой тезроқ даласига чиқиб кетишга ошиқарди.

Шундоқ ҳам индамас Азимбойнинг асосий вақти далада, ишда ўтар,

оиласидан тобора узоқлашиб, совуб борарди. Ва, ниҳоят, кундан кунга кескинлашиб бораётган муносабатлар чатнаган кун этиб келди.

Азимбойнинг ҳасратлари тўғон буздими, ё шайтон йўлдан урдими, қўшнинг тўйида ичиб, маст бўлиб, йиқилиб қолди. Уни кўтариб, уйга олиб кирганларини кўрган Олмагул аввалига эрини роса қарғади, кейин фиғони фалакка чиққанича укасининг уйига қараб кетди. Қишлоқда укаси Фани бойвачча деб номи тилга тушган эди. У ярим тунда йўқлаб келган опасини кўриб, ҳол-аҳвол сўраганиди, у эрини қарғаб: "Йигитмисан? Юр, бориб, поччангнинг таъзирини бер, иккинчи ичмайдиган қил" деб туриб олди. Фани бойвачча ўйлаб ўтирмай опасини тойдек оппоқ ма-

шинасига ўтказиб, поччасининг ёнига борди-ю, уни аямай, дуч келган жойига тепкилай кетди. Уриб-уриб ҳоригач, уни судраганча кран остига келтириб ташлади, кейин устига муздек сувни шариллатиб очиб қўйди. Бу мудхш ҳодиса Азимбойнинг фарзандлари кўз ўнгида бўлди.

Кеч кузнинг изғиринли тунларидан бирида юз берган бу воқеа Азимбойнинг соғлигини олиб кетди. Энди у аввалгидек жонжаҳди билан меҳнат қила олмас, уйдагилар, айниқаса, хотинининг кўзига шумшук кўрингани боис, ўзини қаерга қўйишни билмай, "ҳа" деса ароққа ёпишарди.

Орадан йиллар ўтди. Азимбой бирин-кетин ота-онасидан жудо бўлгач, улардан қолган эски машинани, бисотидаги буд-

шудни аста-секин сотиб, ичди. У қайниси тепкилаб, ҳамқишлоқлари олдида обрўси бир пул қилинганидан ўзини қандайдир ғариб ҳис қиларди. Энди унга яшашнинг қизиғи йўқдек туюларди. Бир куни Фани бойвачча поччасини уришдан чарчадими, унинг фарзандларига қараб ўшқирди:

— Қани, ўғил боламинсан, отангни ур!

Ўн уч-ўн тўрт ёшга кирган тўнғич Жонибек кўрқа-писа ҳайрат билан тикилиб турганини кўрган тоға жиғибийрон бўлиб, яна ўдағайлади: — Қачонгача сенлар учун отангнинг таъзирини бераман? Қани, яхшилаб тушур-чи!

Шу кундан эғиборан Азимбойни калтаклаб, сув остига ташловчилар сони кўпайди.

... Воёга этиб, уйланиб, икки фарзандли бўлган

Ҳар кимки жафо қилса...

Жонибек синфдошлар йиғилишидан қайтди-ю, гандираклаганича айвонга ҳам етолмай, йиқилди. Хотини Бибигул уни кўтариб, уйга олиб киришга ҳарчанд уринмасин, улдасидан чиқа олмади.

Жонибек бошига тушган қаттиқ зарбадан илқис кўтарилди-ю, ўзини эплай олмай, яна йиқилди.

Унинг бош-кўзига пайдар-пай зарбалар қелиб тушар, у қўллари билан қонга беланган юз-кўзини паналашга уринар, лекин уdda қилолмасди. Шу пайт унинг устига муздек сув шариллаб қуйилди. Жонибек ўзини ўнглаб, сув остидан қочишга интиларкан, кўзи қўлида бир бўлак арматура кўтариб турган ўғли Асилбекка тушди. Кичиги, олти ёшли Қудрат эса кранга уланган узун резина ичакдан чиранганича отасининг устига сув сепар, нарироқда ишонган тоғаси Фани

бойвачча "ҳа, қани, ким зўр экан?" — дея болаларини оталарига қарши гиж-гижларди. "Маст бўлиб, йиқилиб қолган жиянини тартибга чақирриш учун" Фани бойваччани бошлаб келган Бибигул эса болаларининг ҳаракатларини завқланиб томоша қиларди.

Жонибекнинг кўзига шафқатсиз калтаклашдан кейин бир зумгина кўзини очиб, "болангдан қайтсин, болам!" — деб инграб, жон берган отаси кўринди. У кимларнингдир қутқуси билан безор отасига, падали безрукворига қўл кўтариб, жуда катта хато қилганини англаганича алам билан ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг йиғлашидан завқланган ўғилларининг бири уришда, иккинчиси сув сепишда давом этди...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

Ҳар биримиз эрта тонгда уйғониб, оила аъзоларимиз билан хотиржам нонушта қилиб, ўз юмушларимизга кетамиз. Кечқурун яна оиламиз даврасида бўламиз.

Бу тинчлик, осойишталикнинг ҳамма вақт ҳам қадрига етавермаймиз. Бунинг замирида нималар ётгани, кимлар кечаю-кундуз киприк қокмай турганилигини ҳамма ҳам билавермайди.

Жамоатчи мухбиримиз Андижон шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлимининг катта сержанти Бахтиёр Аҳмадқулов сардорлик қилаётган бўлинма фаолияти ҳақида хикоя қилади.

... Ўша куни бўлинма кўриқлаётган объектда ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бермаган, икки ходим постда: телефон ва рация ёнида навбатчилик қилар, икки ходим объектнинг ички худудидини кўздан кечириб юрар, яна икки киши эса дам оларди.

Шу пайт объектнинг орқа деворидан тўрт нафар "қуролланган жиноятчилар" ошиб тушди. Бўлинманинг барча ходимлари дарҳол экстремал вазиятда эгаллаши лозим бўлган жойларига бордилар. Сардор Бахтиёр Аҳмадқулов шаҳар ИИБга қуролли ҳужум тўғрисида хабар қилди ва ходимларни эвакуация қилишга тайёрлади. Милиция сержанти Мавлон Абдужабборов телефон ва рация ёнида постни кўриқлаб турди.

Милиция сержантлари Рустам Алимов, Икромжон Абдуразоқов, Бахтиёр Бегалиев, Азизбек Абдурахимовлар ўз жойларида жиноятчиларга қарата қуролларидан ўт очиб, уларнинг бир қадам ҳам олға сийлшига имкон бермадилар. Бу орада шаҳар ИИБдан ёрдамчи кучлар ҳам ётиб келди ва жиноятчилар дарҳол қўлга олинди.

— Бу бизнинг навбатдаги ўқув машғулотимиз эди, — дейди бўлинма сардори Б. Аҳмадқулов. — Экстремал вазиятга яқинлаштирилган бундай машқларнинг тез-тез ўтказиб турилиши ходимларимизнинг жанговар ва тактик тайёргарлигини оширади. Ўқув машғулотлари раҳбарлар тавсиясига асосан текшириладиган бўлинмага айтилмай ўтказилади.

Бу галги машғулотда ҳам бўлинмамиз ходимлари юксак билим ва тактик тажрибага эга эканликларини кўрсатишди. Улар "қуролланган жиноятчилар"нинг ҳужумини моҳирлик билан қайтариб, ёрдамчи кучлар келгунига қадар уларни давлат аҳамиятига эга бўлган объект ичига киришларига йўл қўймадилар.

Узоқбой САКСОНБОВ.

Жалолобод тумани (Қирғизистон) ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўтказган навбатдаги тадбирда талайгина қурол-яроғ олинди.

Биринчи сентябрь куни тунда тезкор ходимлар, К. исмли шахс қурол-яроғ сақлаётгани ҳақида маълумот берди. Бир гуруҳ милиционерлар шу заҳоти унинг уйига ташриф буурдилар.

ҲАММОМДА... ЗЎРАВОНЛАР

Бироқ уни топиб бўлмади — К. Мустақиллик байрамини саунада нишонлаётган экан.

Маълум бўлишича, қурол-яроғ "ишқибози" саунага бир ўзи бормаган. У билан икки дўсти ҳам бирга бўлган. Улар дам олишнинг ажойиб "усули"ни топганлар: қаттиқ маст бўлган бу "учлик" қўлларидан-

Жиноят ва жазо

Зикрилло бугун ҳам бир амаллаб иш кунини ўтказиб уйга қайтди. Негадир охириги пайтда унинг ишдан шашти қайтиб қолган. Йиғштириб қўйсаммикан, деган уйга боради, яна чуқурроқ ўйлаб кўриб шаштидан тушади. Тўғри-да, уйда ўтириб қолса у билан кимнинг иши бор. Ҳозирчи, ҳар ҳолда, ишончли "дўстлари" орқали "бизнеси" юриб турибди. Бироқ мижозлар суестлашиб қолишдими ёки ўзига ўхшаш "ҳожатбарор"лар сони кўпайиб кетдими, ҳар қалай харидорлар кам. Қўлида "дармондори" бисёр бўлса-ю, "дардмандлар" кам йўқласа бундан ёмони йўқ экан. Зикриллонинг хаёлини кўча эшик-

ТУЗОҚҚА ТУШГАН "БИЗНЕСМЕН"

нинг қаттиқ тақиллагани бузди. Чиқиб қараса, дарвоза ёнида ўзига нотаниш, новча бир йигит турибди, афт-ангори бошқача...

— Акажон, "дори" истаб келдим, ҳожатимни чиқаринг, йўқ деманг, — деди у.

Зикриллонинг қанақа дори, қандай ҳожат, деб иккиланиб турганини кўрган меҳмон йигит кўшимча қилди:

— Акажон, ҳеч хавотирланманг, ишончли кишилардан сизда дори борлигини билиб, сўнгра ҳузурингизга келдим.

Қудратга 2000 сўм эвазига икки бўлак қоғозга

ўралган героин — оғуни уйдан олиб чиқиб берган Зикрилло милиция ходимларининг тузоғига илинди-қолди.

Т. Зикрилло Муборак шаҳрида туғилган. 25 ёшли бу йигит ҳамон бўйдоқ, Тумандаги қурилиш-таъмирлаш акциядорлик жамиятида сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлаб келган. Яхшигина хунари бўла туриб енгил йўл билан кўпроқ даромад топишни ихтиёр этиб, юқоридаги хунук савдолар бошига тушиб ўтирибди. Афсус, унинг ёш боши қора курсида ҳам бўлди.

С. АМИНОВА.

Ия, наҳотки!

лоқлик билан иш тутди. Натижада кучли портлаш рўй берди. Оғир тан жароҳати олган Александр касалхонада вафот этди.

Яна бир аянчли воқеа. Ангор туманидаги Кўзи Тўланов номли жамоа хўжалигидан А. С. ҳам эҳтиётсизлик қилди. У хуесий ёқилги қуйиш шохобчасидаги цистернадан бензин келмаётганини кўриб, жўмрак йўлини тозалаш учун ўйлаб ҳам ўтирмай цистерна ичига тушган эди, бензин ҳидидан заҳарланиб, оламдан кўз юмди.

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Шундай экан, уни авайлаб-эъзозлаш, ушбу неъматдан тўлиқ баҳра олиш ўзимизга боғлиқ эканлигини унутманг.

С. АБДУВОҲИДОВ.

воқе, гуруҳ бошлигининг уйдан машиналарнинг бир нечта давлат рақамлари ҳам топишган. К. уларни қаердан олгани номаълум.

К. собиқ милиция ходими бўлиб, шаҳар патруль-пост хизматида ишлаган ва номуносиб ахлоқи учун ишдан бўшатилган экан.

Қирғизистоннинг "Дело №..." газетасидан олинди.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Риштон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир қилиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда:

Абдуқосим Абдурахмонович ЭГАМОВ. 1963 йилда туғилган, Риштон тумани Пандигон қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 166-170 см, сочи сариқ, калта, гавдаси тўлароқ.

Иброҳим Турсунович ШОКИРОВ. 1972 йилда туғилган, Риштон шаҳар У. Абдулло кўчаси, 16-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи, кўзи ва қошлари қора, юзи думалоқ.

Олег Михайлович ГОМАН. 1962 йилда туғилган, Риштон шаҳар Майков кўчаси 4/12-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи жигарранг, мўйлов қўйган, бурни узун, юзи чўзинчоқ.

Баҳодир Мирзаҳамдамович МИРЗАУЛИКОВ 1979 йилда туғилган, Риштон тумани Пандигон қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, қоши ва кўзлари қора, гавдаси тўлароқ.

Ғайрат Ҳакимжонович КОМИЛОВ. 1966 йилда туғилган, Риштон тумани Булоқбоши қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см., сочлари жингалак қора, узунлиги ўртача.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗНИ СУСАЙТИРМАЙМИЗ

Ибтидоий одам оловдан фойдаланишни ўрганганида, чексиз қувонган. Ўшанда бу кашфиёти вақти келиб авлодларининг эҳтиётсизлиги оқиба-тида улар бошига мислсиз фалокатлар ҳам ёғдиришини ҳаёлига келтирганмикан?! Ҳа, айнан ўзининг эҳтиётсизлиги, баъзан баднафслиги туфайли. Тўғри, бунинг маълумотлар гултожи тобора чуқурроқ англаб, хавфсизлик чораларини кўришга ҳаракат қилапти. Аммо ҳали ўт балосидан бутунлай халос бўлганича йўқ. Бунга Тошкент вилоятида бултур ва бу йил юз берган ёнгинлар сонини қиёсласак ҳам ишонч ҳосил қиламиз.

Жорий йилнинг ўтган даври ичида 2000 йилнинг 11 ойига қараганда вилоятимизда ёнгинлар 56 тага, унда нобуд бўлган кишилар эса 7 нафарга камайди. Куйиш жароҳати олганлар 79 киши-ни ташкил этди, ўтган йили 127 киши бундай жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган эди. Айниқса, Олмалик,

Бекобод, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларида, Бўка, Пискент, Тошкент туманларида ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг кескин камайишига эришилди. Аммо шу пайтгача юз берган 1738 ёнгин, унда 21 кишининг ҳаётдан кўз юмганлиги ҳали хотиржамликка эрталигини кўрсатади.

Бунинг яхши англаган вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари ёнгин хавфсизлиги ойлигида ташвиқот-тарғибот ишларини янада кучайтириб юбордилар. Радио, телевидение, матбуот орқали чиқишлар қилинапти. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида, оммавий сайлгоҳларда, корхона ва ташкилотларда ёнгин хавфсизлиги мавзусида мингдан ортиқ учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" дейишади. Шунинг учун хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилувчи, ёнгин оқибатларини кўрсатувчи 200 хилга яқин жами 7 минг нусхадан зиёд турли-туман плакатлар, эслатмалар чоп этилиб тарқатилди. Айниқса, ташвиқот автобуси яхши самара берапти. Унинг салоҳида турли

стендлар, телевизор, ўт ўчирувчиларнинг анжомлари, махсус кийим-кечаклари бор. Автобус вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлди. Катталар видеотасвирга туширилган ёнгинлар оқибатларини кўриб, тегишли хулосалар чиқарган бўлсалар, ёшлар шу билан бирга ўт ўчирувчилар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиб, бу шарафли касбга уларнинг анча-мунчасида ҳавас уйғотди.

Ходимларимиз бевосита амалий ишларни ҳам унутиб қўяётганлари йўқ. "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"нинг ўтган даври мобайнида 600 дан ортиқ халқ хўжалиги объектлари, корхона ва ташкилотлар текширилди. Олтмиш мингга яқин хонадон кўздан кечирилди. Текширишлар чоғида аниқланган камчиликлар ёнгин

хавфсизлиги учун масъул шахсларга маълум қилинди, зарур ҳолларда бошқа таъсир чоралари ҳам кўрилди.

Натижалар дарҳол кўзга ташланапти. Ўтган ва бу йилги бевосита ёнгин хавфсизлиги ойлиги даврини солиштирадиган бўлсак, ёнгинлар сонининг 106 тадан 65 тага ёки бошқача қилиб айтсак 38,7 фоизга камайишига эришдик.

Аммо, юқорида айтганимиздек, ҳали хотиржамликка ўрин йўқ. Чунки битта ёнгин ҳам кўнгилсизлик, фалокат. Қолаверса, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида, Зангиота, Юқоричирчиқ туманларида ёнгинлар сони камайгани кўзатиляпти. Шу сабабли "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" тугагач ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини сусайтириш ниятимиз йўқ. Чунки бу кундалик вази-фамиз, эл-юрт олдидаги бурчимиздир.

Рамзия СУЛЕЙМАНОВА,
ички хизмат лейтенанти.

ЁНГИН ХАТАРСИЗ БЎЛМАС

Ёнгин аксар ҳолларда инсоннинг бошига катта талафот олиб келиши тайин. Кўпинча ёнгинлар келиб чиқишига кишиларнинг эҳтиётсизлиги ва эътиборсизлиги сабаб бўлади. Биз ҳар доим ёнгин хавфсизлиги борасида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб турибмиз. Чунки вази-фамиз кишиларни ёнгиндан асраш, улар ҳаётини хавфдан қутқаришдир. Авваламбор Яратгандан кўнгилсизликлар рўй бермаслигини тилаб қоламиз, лекин халқимизда "Фалокат оёқ остида" деган нақл бор. Аҳолини огохлантириш ва хушёрлигини ошириб боришни биз нафақат "Ёнгин хавфсизлиги ойи"да, балки ҳар қачон, ҳар вақт ўз зиммамизга юклатилган вазифа деб ўйлаймиз.

Қишнинг совуқ кунлари бошланди. Шу кунларда фуқароларимиз бозорларда сотилаётган ҳар хил печлардан фойдаланишаётганининг гувоҳи бўласиз. Айрим ҳолларда содир бўладиган ёнгинлар айнан мана шу печлардан нотўғри фойдаланиш, уларни қаровсиз қолдириш оқиба-тида рўй берапти.

Шу йил 13 ноябрь куни соат 22:30ларда Бухоро шаҳрининг Чехов кўчасида яшовчи Жўра Мардоннинг газ печи қаровсиз қолдирилганлиги сабабли ёнгин содир бўлиб, унинг 30 квадрат метр

том қисми зарар кўрган. Ёнгинларнинг содир бўлиши нафақат газ печлари ва электр иситиш мосламалари, таъмирга муҳтож электр жиҳозларидан фойдаланиш оқиба-тида ҳам келиб чиқмоқда.

Мисол келтирадиган бўлсак, жорий йилнинг 11 ноябрь куни "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида яшовчи Саъдулло Аллабердиевнинг уйида яроқсиз электр симларнинг қисқа туташуви натижасида 52 квадрат метр том қисми, анчагина уй жиҳозлари ёниб кетган. 20 октябрь куни Бериуний кўчасида истиқомат қилувчи Ботир Ҳамроев-

нинг уйида ҳам "Радуга" русумли телевизор қаровсиз қолдирилиши натижасида ёнгин содир бўлган.

Хулоса шуки, ўт балосидан омон юриш учун ҳар ким ҳар доим хушёр, эҳтиёткор бўлиши, хавфсизлик қоидаларини риоя қилиши лозим.

А. БОБОЕВ,
ички хизмат подполковниги.

Республикамизда давом этаётган ёнгин хавфсизлиги ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғонанефть", "Муборакнефтьгаз" конлари бошқармаларига қарашли масканларда ҳам катта ишлар қилинмоқда. Ҳар бир корхона раҳбарининг буйруқлари билан тадбирни ўтказиш даврида амалга ошириладиган ишлар режаси тузилди. Айни кунларда ушбу режалар ўз вақтида бажарилмоқда. Ёнгин-хавфсизлиги талабларига риоя этиш борасида корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ўртасида тушунтириш ишларини олиб борилаётгани яхши самара бермоқда. Бунда ёнгин хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган ишлар корхоналар радиостудиясида кенг тарғиб қилинмоқда.

Ёнгин хавфсизлигига риоя қилиш борасида бир неча турдаги эслатма варақалар корхоналарга тарқатилди. Одам кўп йиғиладиган жойларда 4 та панно тайёрланди.

Ишчи ва хизматчиларни ўқитиш мақсадида отрядимизда махсус ўқув синфлари ташкил этилган. Улар ўт ўчириш воситалари, автоматик тарзда дарак берувчи воситалар, кўпikli ўт ўчириш тизимлари билан жиҳозланган.

Йилнинг ўтган даврида муҳофазалаётган корхоналаримизда ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликлар рўй бермади.

Р. ЗАРИПОВ,
ички хизмат подполковниги.

ЖАРИМА МАСЪУЛИЯТДАН СОҚИТ ҚИЛМАЙДИ

Туманимизда иккита пахта тозалаш корхонаси, учта пахта пункти бор. Ҳар йили ҳосил йиғим-терими олдида ва йил якунига яқин текширув ўтказамиз. Бу йил ҳам пахта йиғим-терими бошланиши арафасида корхоналарда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назоратдан ўтказдик. Ҳар иккала корхонада йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, тегишли чора кўрилди. Бу нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмагани учун жарима солинди. Бизни ташвишга солаётгани жарима ундириш эмас, ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига чек қўйилмаётганидир. Чунки электр қуввати билан ишлайдиган техника воситаларининг ишдан чиқиши ва симларнинг қисқа туташуви натижасида ёнгин чиқиб, қимматбаҳо хом ашё бир зумда кулга айланиши мумкин. Бундай ҳодисалар кўп бўлган.

Айни кунларда давом этаётган ёнгин хавфсизлиги ойлигида жойларда назоратни янада кучайтиришга тўғри келади. Тадбир бошланишидан олдин тумандаги барча фермер хўжаликлари, ширкатлар уюшмаларининг раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари билан кенгашиб, ойликнинг аҳамияти ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида келишиб олдик.

Туманимиздаги барча қишлоқлар табиий газ билан таъминланган. Шу боис тадбирда туман газлаштириш идораси ходимлари ҳамда электр тармоқлари идораси мутахассислари билан биргаликда рейдлар уюштиряпмиз. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўриляпти.

Улуғбек ЎТАЕВ,
ички хизмат лейтенанти.
Ш. Рашидов тумани.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазилик ШТБИХ бўлим бошлиғи, ички хизмат полковниги Абдурахмон Обиджоновга онаси

Иноят КАЗИМБАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ котибияти ходими **Жанна Давроновна КОРЕВСКАЯ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Холис назар БЕКАТДАГИ АЯНЧЛИ МАНЗАРА



"Мустақиллик майдони" метро бекатидан Буюк Турон кўчасига чиқверишдаги автобуслар тўхташ жойи пойтахтликларга яхши таниш. Бу ер доимо йўловчилар билан гавжум. Автомобиллар ҳам ҳаммиша тигиз. Энди бу жойга кўплаб киракашлар ҳам тўпланадиган бўлди. Натижада йўналишлардаги автобуслар ва троллейбусларнинг ҳайдовчилари транспортни қаерда тўхтатишни билишмайди. Аксарият ҳолларда йўловчиларни бекатдан анча ўтиб туширишга мажбур бўлмоқдалар.

Афсуски, кундалик ташвишлар билан банд бўлиб бу каби ноқулайликларга кўникиб, юқоридаги манзара келтириб чиқарадиган хавф-хатарга эътибор бермай қўйганмиз. Ачинарлиси, бунинг хизмат бурчи ҳисобланган мутасаддилар шу пайтгача пайқашмаяпти...

А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ олган суратлар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAEV**

Mas'ul kotib o'rinbosari **B. AZIMOV**
Navbatchi: **Sh. XUDOYBERDIEVA**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA**
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner: **A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

ABN AMRO Bank HB O'zbekiston A.O.
20210000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda "Postda" dan ekanligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г — 3122.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 47 200 nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi chop etildi.

Korxonada manzill: **Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.